

ТАЛАБАЛАР КАСБИЙ ПЕДАГОГИК МАДАНИЯТИНИ ИННОВАЦИОН ҲАМКОРЛИК МУҲИТИДА РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ШАКЛ ВА УСУЛЛАРИ

Мухайё Усманова

Гулистон давлат университети магистранти

Мохинисо Одилова

Гулистон давлат университети талабаси

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада талабаларнинг касбий педагогик маданиятини шакллантиришнинг шакл ва усуллари инновацион ҳамкорлик асосида ривожлантириш орқали бўлажак мутахасисларни рақобатбардошлик ҳамда кутилмаган вазиятларда ўз қобилиятларини намоиш эта оладиган этиб тайёрлашни ўз зиммасига олишни мақсад қилиб олинган.

Калит сўзлар: интеллектуал мерос, замонавий маданият, мукамал тайёргарлик, педагогик-психологик билим, касбий қарор, касблар олами, концепциялар, касбий сифатлар, самараси паст, тренинг, касбий шаклланиш.

КИРИШ

Ўзбекистоннинг ҳалқининг бой интеллектуал мероси ва умуминсоний кадрлар асосида замонавий маданият, иқтисодиёт, фан-техника ва технологиянинг янги ютуқлари асосида мукамал тайёргарликдан ўтган кадрларни тайёрлашнинг янги тизимини шакллантириш Ўзбекистон Республикаси тараққиётининг муҳим шартларидан бири бўлиб қолди. Айтиш мумкинки, баркамол инсоннинг шаклланиши унинг муносиб касб-корни эгаллаши жамият тараққиёти учун баҳоли қудрати ўз ҳиссасини қўшиб яшаши ва шу орқали жамиятда ўзлигини намоён этиши яъни шахсининг камол топиши назарга олинган, жумладан ёшларни касбий шаклланиши жараёнининг дастлабки ва айна дамда ўта муҳим босқичи бўлажак касбни танлаш, яъни аниқ бир касбий қарорга келишигача бўлган даврини ўз ичига олади. Равшанки, ёшларнинг касб танлашга тайёргарлик даражаси, фақатгина ёш хусусиятларига боғлиқ эмас, у маълум ёшга келиб ўз-ўзидан шаклланиб қолмайди. Ёшларнинг касб танлашга педагогик-психологик билим, кўникма, малакалар, шунингдек,

жамиятнинг таъсири орқали тайёрлаш ва тарбиялаш лозим. Мазкур жараёнда шахсдан касбга доир билимларга эга бўлиш талаб қилинади. Шунинг учун ҳам ўқувчиларни касблар оламига доир билимлар билан қуроллантириш ҳамда амалий кўникма ва малакаларни ҳосил қилиш лозим. Бунинг учун касбларга доир қўлланмалар, тарқатма материаллар билан таъминлаш лозим. Шундагина касб танлаш жараёнида юзага келадиган турли қийинчилик, зиддият, тўсиқларни олдини олган ҳолда ўқувчи-ёшларни онгли равишда касбга йўллаш имконига эга бўламиз.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Педагогика, дидактика, тарбия назарияси, категория, таълим, билим, кўникма, малака, маълумот, ривожланиш, «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури», Кадрлар тайёрлаш миллий модели. Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг таркибий қисмлари, «Портлаш эффекти», ўқитувчи, ўқувчи шахсига қўйилаётган талаблар. «Касбий педагогика» жаҳон миқёсида тан олинган энг илғор методлар ва йўналишлар билан бойиб бормоқда. Бугунги кунда ўзининг кенг тадқиқини кутиб ётган, фаннинг бошқа соҳалари билан боғлиқ равишда ишлаб чиқилган янги концепциялар ва назариялар ривожлантирилмоқда.

Жаҳонда таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларида бўлажак ўқитувчиларининг касбий сифатларини ривожлантиришнинг дидактик параметрларини такомиллаштириш, педагогик имкониятларини кенгайтириш, фан, таълим ва ишлаб чиқариш узвийлигини таъминлаш борасида илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда

Ўқитувчи, ўқувчиларга ижодкорлик муҳитини яратиш орқали ўз устида мустақил ишлай олиши, изланиши, мавжуд муаммоларни еча олишини қандай ташкиллаштирса бўлади? каби саволлар ўз ечимини кутмоқда. Педагогик фаолият чексиз, мураккаб, сермеҳнатдир. Ўқитувчи меҳнатида ўзгармаган элементлар мавжуд эмас доимо билим соҳаси ривожланади, яъни ўқитувчи ўқитадиган унинг асоси бўлган ўқувчилар контингенти ўзгаради, педагогик фани тўлиб боради. Буларнинг барчаси муҳим бўлган мазмунни, мақсадга мос келадиган ўқитишнинг шакл, усул ва ўқитиш воситаларини, ўқув жараёнида ўқувчилар билан ҳамкорликнинг самарали йўллари доимий равишда излаб топишни талаб этади.

Агар ўқувчиларда шаклланган билим, кўникма ва малакалари сифатида ижобий силжишлар бўлмаса, услубий ишларнинг самараси паст ҳисобланади. Бу борада сусткашликка йўл қўйиш мумкин эмас. Шунинг учун услубий ишларнинг таъсирчанлиги кўп жиҳатдан режалаштирилишига, режаларининг аниқлигига, амалга оширилган ишларнинг ҳажмига ва бошқа омилларга боғлиқ. Шунингдек, ўқув юртларида услубий ишларни ташкил этиш ва бошқаришда ошкораликка эътиборни қаратиш зарур бўлиб, бунда ҳар бир ўқитувчи меҳнатининг натижаларини ўз вақтида холисона кўрсатиш, рағбатлантириш, танқид қилишни меъёрида амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Тренинг Тренинглари ўрганилиши лозим бўлган назарий ғоя ва фикрларни амалий иш ҳамда машқлар давомида ўзлаштириш имкониятини беради ва қатнашчилардаги ўзаро ҳамкорликни, самарали мулоқот кўникмасини шакллантиришга йўналтирилади. Ҳар қандай тренинг қуйидаги босқичлардан ташкил топади:

1. Изюминка (жозоба - қатнашчилар билан ишлашнинг ўзига ҳос ажойиб томони) қатнашчиларнинг тренингга қизиқишини уйғотиш учун қисқа баҳс бошлаш, саволлар бериш, қатнашчилар фикрини чалғитувчи (провакацион) таъкидларни илгари суриш ёки қандайдир фаолият турини фараз қилиш. Ўқув машғулоти қатнашчиларининг дастлабки билимлари ва уларнинг ҳаётий тажрибаларини боғлашга ҳаракат қилиш. Тренинг аҳамияти нимадан иборат эканлиги сабабларини тушунтириш. Одатда тренинг қатнашчилари биринчи машғулотда ўзини ноқулай сезиши, Сизга нисбатан ишончсизлик ҳолатлари кузатилади. Унутманг, Сизнинг ҳар бир ҳаракатингиз ва эътиборингиз қатнашчилар ишончини қозонишигизга асос бўлади.

2. Қатнашчилар учун натижаларни таъкидлаш. Қатнашчиларга тренингдан қандай мақсад кутилаётганини аудиторияга тушунтириш. Қатнашчилар тренинг натижасида: «Бу тренингдан кейин нималарни билишим ва нималарни қилишим лозим?» деган саволга жавоб беришлари керак.

3. Тренернинг ҳиссаси. Тренинг учун зарур дастлабки маълумотлар, зарур билимлар (матн, маъруза, хужжатлар, ўқиш) ва бирор фаолият турини ўтказиш учун фан мазмунини намоиш қилиш.

4. Интерфаол стратегия - тренингнинг юрагидир. Интерфаол услубиётда фойдаланадиган иш тартибини қисқача баён қилиш. Интерфаол услуб-бу жамоавий муҳокамани ташкил этиш, фикрларни эркин айтиш, муҳокама, таҳлил ва фаолиятни баҳолашдир. Умуман тренингдаги фаолиятнинг ушбу

турида қатнашишнинг барча қадамларини чизиб чиқиш. Гуруҳда ишлаш учун аниқ ва қисқа тушунтиришлар олиб бориш. Қатнашчилар тушунганлик даражасини мунтазам назорат қилиб бориш. Тренингни яқунлашга вақт етиши учун, унинг ҳар бир қисмини диққат билан ташкил қилиш. Бу ерда тренингни ўтказиш учун мўлжалланган саволлар муҳим аҳамиятга эгаллигини эътибордан четда қолдирмаслик. Тренер машқларни қатнашчилар томонидан бажариш жараёнида топшириқларни тўғри бажаришини кузатиб бориши лозим.

5. Дебрифинг (хулоса) баҳолаш. Қатнашчилар ўзлари ёд олган ва ўзлаштирган билим(йўналиш)лари бўйича хулоса қиладилар, ўзлаштирган маълумотлар ва малакаларни бошқа ҳолатларда, талабалар билан ишлашда қўллашни муҳокама қиладилар.

Бу - тренингни баҳолаш қисмидан иборат бўлиб, бунда «Қатнашчилар нимани ўргандилар?» саволига жавоб олинади. Тренинг давомида қатнашчилар ўрганган ёки кўрсатган билимлари натижалар билан мос келишини текширилади. Тренинглар анъанавий ўқув машғулотларидан куйидаги жиҳатлари билан фарқланади: •бунда таълим олувчилар ёки иштирокчилар гуруҳи ёши ва билим жиҳатдан бир хил бўлмайди; •тренинг жараёнининг асосий мақсади иштирокчиларни ўзаро мулоқотга чорлаш ва фаоллаштиришдан иборат этиб белгиланади; •ўқитиш ва тарбиялашнинг шакл, метод ва воситалари тренинг мақсадидан келиб чиқиб танланади ва индивидуаллаштирилади. ЭЯхши тренинг ҳар доим тренер ва қатнашчиларнинг ўзаро ҳамкорликдаги ҳаракатларига асосланади. Тренингни ўтказиш техникаси Қатнашчилар билан новербал (сўзсиз, мимика, пантомимика, қараш ва ҳоказо) алоқа ўрнатиш: → Гапираётганингизда ҳар бир тингловчини кўз остингизда тутинг. Ҳаммага бир хил эътибор беринг, Сиз гуруҳдаги баъзи одамларга хайрихоҳ бўлиб қолманг. → Хонада гуруҳнинг диққатини бузмасдан ҳаракат қилинг (тез-тез ва мақсадсиз юришлардан қочинг, шунингдек, гуруҳга ўзингиз кўринмайдиган жойдан туриб гапиринг). → Қатнашчиларнинг бош қимирлатиши, таббассуми ва ҳатти ҳаракатлари ниманидир айтмоқчи эканлигига хоҳиши борлигига эътибор беринг. → Гуруҳ қаршисида турунг. Ўқиш ва тренинг бошланганда ўтирманг (хотиржам, шу билан бирга мақсадли ва қатъий бўлинг). Вербал (нутқий) алоқа ўрнатиш: • Саволларни шундай тузунгки, қатнашчилар гапирсин. Бунда Сизга очиқ саволлар ёрдам беради: «Сиз бу ҳақда нима дейсиз?», «Нимага?», «Қандай? «Агар? ва ҳоказо. Агар тингловчи «Ҳа», «Йўқ» деб жавоб берса, «Нега шундай гапиряпсиз?» деб

сўранг. • Ўз овозингиз оҳангига эътибор беринг. Айниқса, қатнашчилар ичида педагогик маълумоти бўлмаган кишилар бўлса, у ҳолда аста-секин ва аниқ гапиринг. • Қатнашчиларни ўзингиздан кўпроқ гапиришга унданг. Ўзингиз ва қатнашчиларнинг сўзга чиқиш вақтларини ҳисобга олиб боринг. • Ҳамма саволларга фақат ўзингиз жавоб берманг. Қатнашчилар бирбирининг саволларига жавоб бериши мумкинлигини унутманг. Бу Сизнинг захирангизни кўпайтиради. «Кимдир бу саволга жавоб бера оладими?» деб сўранг. • Қатнашчиларнинг фикрини ўз сўзингиз билан такрорлаб, бир оз ўзгартириб ифода қилинг. Бу Сизга гапирувчини тушунишингизни етарли даражада назорат қилишга имконият беради ва муҳокама саволларини тушунишни кучайтиради. • Баҳс умумлаштирилган натижалари моҳиятини ҳар бир иштирокчи тўғри тушунганига ва тўғри йўналишда кетаётганлигига амин бўлинг. Бу қарамақаршиликларни кўриш ва хулоса чиқариш учун қулай фурсатдир. • Шахсий тажрибангиз мазкур баҳсга мос келса, қатнашчилар фикрларини мустаҳкамланг. «Бу менга ўтган йилги воқеани эслатади» - дейишингиз мумкин. Тренингларни самарали амалга оширишда ўқитиш методларининг танланишига катта аҳамият берилади. I. Амалий ўйинлар. Дастлаб “ўйин” тушунчасининг моҳиятини англаб олиш талаб этилади. Замонавий шароитда таълим амалиётида амалий-инновацион характерга эга ўйинлардан самарали фойдаланилмоқда. Таълим амалиётида қўлланиладиган амалий ўйинлар ўз-ўзидан дидактик хусусият касб этади, шу сабабли улар кўп ҳолатларда “дидактик ўйинлар” деб юритилади. Кишилиқ тарихий тараққиётининг барча даврларида ҳам ўйин субъект фаолиятининг энг биринчи ва муҳим тури сифатида тан олинган. Бинобарин, шахс фаолиятининг муҳим турлари – меҳнат, ўқиш билан бирга ўйин ҳам унинг шаклланиши ва ривожланишида муҳим аҳамият касб этади. Ўйинлар воситасида катта авлод томонидан тўпланган ҳаётий тажриба, ўзлаштирилган билим, турмуш тарзи ва ижтимоий муносабат асослари, маданий қадриятлар ёш авлодга изчил узатиб келинган. Ўйин шахснинг тарбиялаш, ривожлантириш, унга таълим бериш хусусиятларига эга. Мавжуд хусусиятлари туфайли ўйинлар қадим-қадимдан халқ педагогикасининг муҳим асосларидан бири бўлиб келмоқда. Бевосита ўйинлар болаларда идрок, сезги, хотира, тафаккур, нутқни ривожлантиришга ёрдам бериш орқали уларни маънавий-ахлоқий, ақлий, жисмоний ва эстетик жиҳатдан тарбиялашга хизмат қилади.

ХУЛОСА

Шулардан келиб чиққан ҳолда ўқитувчи ўқув жараёнида тарбиячи сифатида умумий ва касбий маданияти юзасидан эгаллаши лозим бўлган асосий талабларга жавоб бериш керак, яъни: — маънавий-ахлоқий маданиятни эгаллаш, миллий ғурур ва маънавий ғояларга эгалик ва уларни кундалик ҳаёт билан мувофиқлаштириш, бўш вақтдан унумли фойдаланишнинг ижтимоий аҳамиятга молик йўллари амалга оширишга интилиш; — қадриятларимизни эгаллаши. Қадимий маданиятни билишга интилиш; — иқтисодиёт ва бозор муносабатлари маданиятини эгаллаш. Замонавий иқтисодиёт ва тадбиркорлик фаолиятлари юзасидан билим ва кўникмаларга эга бўлиш; — сиёсий маданиятни эгаллаш. Шахсий ҳуқуқ ва эркинликларни ҳимоя қилишни таъминлайдиган давлат тузилмалари ва касба уюшмалари функцияларини билиш, сиёсий партиялар, ҳаракатлар, ёшлар ташкилоти дастур ва ҳаракатлари бўйича баҳолайдиган фикрларга эга бўлиш бошқарувида иштирок этишда тайёрланиш ҳамда мазкур масалага фуқаролик бурчи билан ёндашиш; — экологик маданиятни эгаллаши. Тарбиячи фаолиятида Таълим тарбияни узвий боғлаш, маънавий-маърифий тадбирларни тайёрлаш ва ўтказиш Мутахассисликка хос маънавий маърифий ва маданий фазилатларни талабаларда шакллантириш Талабаларга авлод-аждодларга, оила, ва оила аъзоларига, ҳудудига, Ватанига меҳр ҳавас уйғотиш. — шахслараро мулоқот ва ҳуқ-атвор маданиятини англаш. Бошқалар билан олиб бориладиган келишувлар, суҳбатлар, баҳслар ва ҳар хил вазият ва имкониятлар шароитида ўтказишни турли шакл ва усулларидан фойдаланишга эга бўлишдек педагогик хусусиятларга эга бўлиш шартлиги келтирилади. Бу эса талабалар касбий педагогик маданиятини инновацион ҳамкорлик муҳитида ривожлантиришга жуда катта туртки беради деган умиддамиз.

REFERENCES

1. Мирзиёнов Ш.М. Буюк келажакимизни мард волижаноб халқимиз билан биргаликда курамиз. Ўзбекистон 2017 й.
2. Киров Ю. А., Мухин В. А., Савельев Ю. А., Киров В. А., Кирова Ю. З. Технология и технические средства для обеспечения экологической и технической безопасности на животноводческих комплексах (теория и расчет). Кинель, 2018. 156 с.
3. Urazova M.B. Bo'lajak kasbiy ta'lim pedagogini loyihalash faoliyatiga tayyorlash texnologiyasini takomillashtirish: Ped. fan. dokt. ... diss. — T.: 2015. — 260 b.